



# MOTURIDIYLIK

THE MATURIDIYYA - الماتريدية - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini  
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,  
rost xabar va aqlidir.



# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матуридизм



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Музаффар КОМИЛОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ** – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
- Шоазим МИНОВАРОВ** – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори
- Давронбек МАХСУДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Зоҳиджон ИСЛОМОВ** – филология фанлари доктори, профессор
- Аҳаджон ҲАСАНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор
- Шовосил ЗИЁДОВ** – тарих фанлари доктори, доцент
- Жамолиддин КАРИМОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
- Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ** (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори
- Маҳмуд Эрол ҚИЛИЧ** (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори
- Назир Мухаммад АЙЁД** (نظير محمد عياد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азхар мажмуаси Ислом тадқиқотлари академияси Бош котиби
- Режеп ТУЗЖУ** (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқиқот маркази директори
- Аширбек МУМИНОВ** – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси
- Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ** (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири
- Дониёр МУРАТОВ** – тарих фанлари номзоди, доцент
- Одил ЭРНАЗАРОВ** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1503-сонли ҳулосаси асосида тайёрланди.*

## МУНДАРИЖА

- Nigora Yusupova.** Исломда гендер тенгликнинг ўзига хос тамойиллари .....3
- Shoislom Akmalov.** Янги Ўзбекистон маърифий тақомилида илмий марказларнинг ўрни .....12
- Ilhomjon Bekmirzayev, Azamkhan Kambarov.** “Ҳидоя” асарининг ёзилиш тарихи ва унинг турли тиллардаги таржималари .....19
- Nematulla Nasrullayev.** Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг “Тавзиҳ” асари манбалари ҳақида .....29
- Muhabbatkhan Agzamova.** “Тарих ар-Русул вал-мулк” асарида ислом манбалари асосидаги ривоятларнинг баён этилиши .....41
- Nigora Khakimova.** “Маҳосин” асарида енгиллаштириш тамойилининг қўлланилиши .....48
- Bakhodir Daminov.** Жамиятда диний мутаассибликни вужудга келтирувчи турли омиллар таҳлили .....55
- Bakhodir Pirmukhamedov.** Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ал-аброр” асарининг методологияси .....65
- Akhmadkhan Alimov.** Мотуридий уламоларининг калом илми ривожига қўшган ҳиссаси .....72
- Abdulaziz Yakhshilikov.** Сабаби нузул илми ривожланиш босқичларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари .....83
- Ikhtiyor Abdurahmonov.** “Шарҳ ат-Таъвилот” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи .....91
- Mamurjon Erkayev.** Ижара ақди билан боглик оятлар таҳлили .....98
- Nodir Shomirzayev.** Реабилитация тушунчасининг шаклланиши ва диний реабилитациянинг ривожланиш тарихи .....107
- Ulugbek Jorayev.** Туркия тарихида мотуридийлик таълимотининг ривожланиш босқичлари таҳлили .....118
- Jasurbek Abduqodirov.** The role of Imam Maturidi's mausoleum in the development pilgrimage tourism in Uzbekistan .....124
- Pirnazar Rajapov.** Saljuqiylar davlatining shakllanish jarayoni (1038–1157) .....130
- Абу Мансур Мотуридий** (тарихий романдан парча) .....140

**Nigora A. KHAKIMOVA,**

*Senior lecturer of the International Islamic  
Academy of Uzbekistan, (PhD).*

*11, A.Kadiri str. 100011,*

*Tashkent, Uzbekistan.*

*E-mail: nigora\_24@yahoo.com*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-1/6

## **“МАХОСИН” АСАРИДА ЕНГИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛИНИНГ ҚўЛЛанилиши**

### **APPLICATION OF THE EXTENUATING PRINCIPLE IN THE WORK “MAHASIN”**

### **ПРИМЕНЕНИЕ ПРИНЦИПА СМЯГЧАЮЩЕГО ОБСТОЯТЕЛЬСТВА В ПРОИЗВЕДЕНИИ “МАХАСИН”**

#### **КИРИШ**

Ислом таълимотига кўра шариатнинг барқарорлиги, узлуксизлиги ва ҳар қандай замон ва маконда унинг осон қўлланилишини кафолатлаш учун у ўзига хос хусусиятлар билан бирга нозил қилинган. Бу хусусиятлар қаторида маслаҳа (инсон манфаати) тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган рафъ ал-ҳараж (қийинчиликни бартараф этиш) тамойили ҳам мавжуд. Шунга кўра, шариат инсонларга маълум мажбуриятларни юклаган бўлса-да (ҳудди бошқа қонунчилик тизимлари каби), унда гайриоддий тарзда қийин ҳисобланган мажбуриятлар ҳамда ҳаддан ташқари оғир бўлган вазифа кўзда тутилмаган. Аксинча, шариат буйруқларини тадқиқ қилиш жараёнида унда осонлик ва енгилликка бўлган аниқ бир мойиллик мавжуд эканини кўриш мумкин (Надавий, 1986:302). Қуръони каримнинг бир қанча оятларида Аллоҳ таоло одамларга қийинчилик туғдиришни хоҳламаслиги, аксинча У Зот уларга енгилликни ирода қилиши таъкидланади.

Қолаверса, Қуръони карим оятлари ва Пайгамбар (алайҳиссалом) суннатларига кўра, аввалги халқларга юкланган ҳаддан ташқари оғир мажбуриятларни ислом дини бекор қилган. Масалан, гуноҳ қилган кишиларнинг ўлдирилиши Тавротга кўра гуноҳдан тавба қилишнинг шarti ҳисобланган. Қуръони каримда: “Ва (эсланг), Мусо ўз қавмига: “Эй қавмим! Дарҳақиқат, сизлар бузукка ибодат қилиб, ўз-ўзингизга

зулм қилдингиз. Бас, Яратганингизга тавба қилинг ва ўзингизни ўлдириш, бу сизлар учун яратувчингиз ҳузурида яхшироқдир” ояти бунга далил ҳисобланади (Абдулазиз Мансур, 2009:26). Исломгача бўлган даврда диндорлар фақат ибодатхона, синагога ёки черковларда ибодат қилиши керак эди. Уруш натижасида қўлга киритилган ўлжаларнинг маълум тартибда тақсимланиши ва истеъмол қилиниши мумкин эмас эди, балки уларни ёкиб юбориш талаб этилган.

Шариатда эса, тавба мусулмоннинг гуноҳ қилишдан дарҳол воз кечиши, ўтмишда содир бўлган нарсаси пушаймон бўлиши, унга қайтмасликка қарор қилиши ҳисобланади. Агар у бошқа бировга зулм қилган бўлса, улардан узр сўраши талаб қилинади (Аскалоний, нашр йили кўрсатилмаган:101). Ҳудди шундай, мусулмон киши намоз вақти кирган пайтда исталган жойда намоз ўқиши мумкин ва жангда қўлга киритилган ўлжа жангчилар ўртасида тақсимланади. Бу борада Имом Бухорий ўзининг “ал-Жоме ас-саҳиҳ” асарида қуйидаги мазмундаги ҳадис келтирган: “Менга мендан олдин ҳеч кимга берилмаган беш нарс берилди: 1. Бир ойлик масофадаги (душманларимни қўрқитиб) қучли қўрқинч ила нусрат берилди. 2. Ер мен учун намоз ўқиш учун жой ва поклайдиган нарс қилиб қўйилди, шунинг учун менинг умматларимдан ҳар бир киши намоз вақти кирган жойда намоз ўқиши мумкин. 3. Ўлжа менга ҳалол бўлди, лекин мендан олдин ҳеч кимга ҳалол эмас эди. 4. Менга (қиёмат кунда) шафоат қилиш ҳуқуқи берилди. 5. Ҳар бир пайгамбар фақат ўз қавмига юборилган, мен эса бутун инсониятга юборилганман” (Бухорий, 1991:92).

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Рафъ ал-ҳараж (қийинчиликни бартараф этиш) тамойили ислом ҳуқуқининг универсал қондаси бўлиб, унинг асосида юзага келадиган бошқа қоидаларда ўз ақсини топган. Агар кўрсатмаларнинг амалдаги татбиқи инсонга қийинчилик туғдирса, унинг ўрнига бошқа муқобил метёрлар қўлланилади. Бу қонданинг муҳим экани шундаки, маълум сабабларга кўра шариат талабларини тўлиқ ёки асл шаклида бажара олмайдиган инсонларга берилган барча руҳсатларнинг (имтиёзларнинг) келиб чиқиши айнан шу қоида асосида ҳисобланади (Сулеймон, 1983:77) (Ибн Нуҷайм, 1999:84). Масалан,

**Аннотация.** Мақолада ислом ҳуқуқида енгиллик яратиши тамойилининг асослари ва қўлланилиши муҳокама қилинади. Шунингдек, Қаффол Шошйининг “Маҳосин” асарига мазкур тамойилининг оила ва никоҳ муносабатларида қўлланилиши таҳлил қилинади. Ислам таълимотига кўра, шариатнинг барқарорлиги, узлуксизлиги ва ҳар қандай замон ва маконда унинг осон қўлланилишини кафолатлаш учун у ўзига хос хусусиятлар билан ноил қилинган. Бу хусусиятлар қаторида маслаҳа (манфаат) тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлган рафъ ал-ҳараж (қийинчилиكنи бартараф этиши) тамойили ҳам мавжуд. Шунга кўра, шариат инсонларга маълум мажбуриятларни юклаган бўлса-да (ҳудди бошқа қонунчилик тизимлари каби), унда заъироддий тарзда қийин ҳисобланган мажбуриятлар ҳамда ҳаддан ташқари оғир бўлган вазифа кўзда тутилмаган. Аксинча, шариат буйруқларини тадқиқ қилиш орқали енгиллик ва енгилликка бўлган аниқ бир мойиллиكنи кўзатиш мумкин. Оила ва никоҳ масалаларида енгиллик яратиши тамойили алломанинг куйидаги фикрлари билан асосланган: “Шариат кўрсатмалари куч ва қудрат билан боғлиқ бўлиб, инсон бажаришга ожиз бўлган ишларга буюрилмайди. Аллоҳнинг дини енгил бўлиб, унда инсоннинг қодирлигига кўра талаб қўйилган”. Инсон ҳаёти ва соғлиги хавф остида бўлганида, тақдирланган нарсалар мувоҳ бўлиши билан боғлиқ тамойил аллома қарашларида асосий ўринни эгаллайди. Зарурат тушунчаси ҚаффолШошйининг фикрига кўра, нафсининг хавф остида бўлишини англатади. Хавф йўқ бўлиши билан масала ўзининг асл ҳолатига қайтиши аллома қарашларида кўра заруратнинг амал қилиш муддатини белгилаб беради.

**Калит сўзлар:** маслаҳа, усулul фикҳ, фуруъul фикҳ, фикҳий қоида, енгиллаштирувчи ҳолат, ислом ҳуқуқи, шариат мақсадлари.

**Abstract.** The article discusses the principles and application of the principle of creating ease in Islamic law. Also, the use of this principle in family and marriage relations is analyzed in Qaffal Shashi's work "Mahasin". According to Islamic teachings, the Shariah was revealed with specific characteristics to guarantee its stability, continuity, and its easy application at any time and place. Among these features, there is also the principle of raf' al-haraj (elimination of difficulty), which is inextricably linked with the concept of maslaha (benefit). Accordingly, while Shari'ah imposes certain obligations on people (like other legal systems), it does not provide for obligations that are considered unusually difficult and duties that are unduly burdensome. On the contrary, by studying the injunctions of the Shari'ah, one can observe a clear tendency towards lightness and levity. The principle of creating lightness in family and marriage issues is based on the following opinions of scholars: "Sharia's instructions are related to strength and power, and people are not ordered to do things that they are unable to do. God's religion is easy, and it requires according to the ability of a person" The principle that prohibited things are permissible when human life and health are at risk occupies a central place in the views of scholars. The concept of necessity, according to Qaffal Shashi, means that the ego is in danger. The return of the matter to its original state with the disappearance of the danger determines the duration of the necessity in the opinion of the scholars.

**Keywords:** maslaha, usul al-fiqh, furu' al-fiqh, jurisprudential rule, extenuating circumstances, Islamic law, purposes of Sharia.

**Аннотация.** В статье рассматриваются принципы и применение принципа облегчения в исламском праве. Также использование этого принципа в семейно-брачных отношениях анализируется в произведении Каффала Шаши Махасин. Согласно исламскому учению, шариат был раскрыт с особыми характеристиками, гарантирующими его стабильность, преемственность и простоту применения в любое время и в любом месте. Среди этих особенностей есть и принцип рафъ аль-харадж (устранение затруднения, неразрывно связанный с понятием маслаха польза). Соответственно, в то время как шариат возлагает на людей определенные обязательства (как и другие правовые системы), он не предусматривает обязательств, которые считаются необычно сложными, и обязанностей, которые чрезмерно обременительны. Наоборот, изучая предписания шариата, можно заметить явную склонность к легкости и легкомыслию. Принцип создания легкости в вопросах семьи и брака основан на следующих мнениях ученых: “Указания шариата связаны с силой и могуществом, и людям не приказано делать то, что они не в состоянии сделать. Божья религия легка и требует по способностям человека”. Центральное место во взглядах ученых занимает принцип допустимости запрещенных вещей при угрозе жизни и здоровью человека. Понятие необходимости, по мнению Каффала Шаши, означает, что это находится в опасности. Возвращение материи в исходное состояние с исчезновением опасности определяет продолжительность необходимости, по мнению ученых.

**Ключевые слова:** маслаха, усул аль-фикх, фуру аль-фикх, правила фикха, смягчающее обстоятельство, исламское право, цели шариата

мусофир киши намозини каср қилиб ўқийди ва маълум намозларни жамлаб ўқиши мумкин, шунингдек, у рўзасини очиб юборишига рухсат берилган, чунки сафар қилиш енгилликка асос бўладиган қийинчиликнинг сабаби ҳисобланади (Суютий, 1983).

Мазкур коида Қуръон ва суннатга асосланган ҳолда келиб чиққан. Нисо сурасидаги: “Аллоҳ сизларга (шариат аҳкомларини) енгиллатишни хоҳлайди. Ахир, инсон заиф яратилганда!” (Абдулазиз Мансур, 2009:83), Бақара сурасидаги: “Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, огирликни хоҳламайди” (Абдулазиз Мансур, 2009:28) ва Моид сурасидаги: “Аллоҳ сизларга бирор қийинчилик (пайдо) қилишни раво кўрмайди, аксинча, сизларни поклаш ва неъмат (лар) ини сизларга мукамал беришни хоҳлайди” (Абдулазиз Мансур, 2009:108) маъносидаги оятлар мазкур қарашни далиллайди. Пайгамбар (с.а.в.) айтдилар: “Осонлаштирилган, қийинлаштирилманглар, хушнуд қилинганлар, нафратлангирманглар” (Бухорий, Ал-Жоме ас-сахих, 1991:76). Оиша (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда: “Пайгамбар (с.а.в.) қачон икки иш ўртасида танлаш керак бўлса, гуноҳ бўлмайдиган, энг осонини ихтиёр қилар эдилар” (Бухорий, 1992:81).

Бу қонданнинг асосий гоёси ислом ҳукукиннинг қўлаб етакчи уламолари томонидан яхши ўзлаштирилган ва кенг қўлланилган. Масалан, Шавбий (ваф. 106/724): “Агар икки нарсадан бирини танласангиз, энг осонини танланг, чунки у ҳақиқатга яқинроқдир” (Шубайр, 2007:195), деб айтган. Имом Шофений “иш жуда қийин бўлиб қолганида йўл топиш керак...” (Заркаший, 1985:120), деганлар. Қаффо Шойий “Маҳосин” асарида “агар бирор нарса ҳаддан ташқари қийинлашса, унинг бекор бўлиши жоиздир” (Қаффо Шойий, йили кўрсатилмаган:284), деб аятади.

Тарихий нукта назардан қараганда, қонданнинг ҳуқуқий мазмуни истехсонни (яъни, инсон манфаати билан боглиқ ҳолда афзалликни танлаш) қўллашнинг асосий мезонларидан бири бўлиб, у ҳафий қиёс (яширин ҳуқуқий аналогия) ўрнига қатъий қиёс жалийдан фойдаланишда (аниқ ҳуқуқий аналогия) истисноларга йўл қўядиган тамойил ҳисобланади.

Масалан, “ислом шариатида шартнома, жумладан, олди-сотдишартномасининг қондасига кўра келишув объекти аниқ кўрсатилиши шарт. Шартномада аниқ кўрсатилмаган нарса,

бошқача қилиб айтганда, унга киритилмаган ҳисобланади. Энди сотиш ва вақф ўртасида тўғридан-тўғри қиёс (яъни қиёс жалий) амалга оширилса, уларнинг ҳар иккиси ҳам эгалик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишни назарда тутди, бириктирилган ҳуқуқлар фақат аниқ белгилан қўйилган тақдирдагина вақф битими амалга оширилиши мумкин, деган ҳулосага келишимиз керак. Бироқ, бундай ўхшатиш адолатсиз натижаларга олиб келиши мумкин: экин майдонларини вақф қилиш ўзининг ёрдамчи ҳуқуқларисиз вақфнинг асосий мақсадини, яъни мол-мулкдан хайрия мақсадларида фойдаланишни пучга чиқаради. Шунинг учун қийинчиликдан қочиш учун муқобил қиёсга, яъни қиёс ҳафийга мурожаат қилиш керак. Бу ҳолатда вақфни олди-сотди шартномаси билан эмас, балки ижара шартномаси билан қиёслашни тақозо қилади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам фойдаланиш ҳуқуқини (интифаъ) ўз ичига олади. Фойдаланиш ҳуқуқи ижаранинг асосий мақсади бўлганили сабабли, бу шартнома, ҳатто унда манфаат олишга аниқ ҳавола бўлмаса ҳам, ҳадисга кўра ҳақиқийдир. Ижара билан бу муқобил ўхшатиш, вақфда мулкка бириктирилган ҳуқуқлар батафсил кўрсатилмаган бўлса ҳам, улар амалда мавжуд эканини айтишга имкон беради” (Қамолӣ, 2003:225).

Имом Суютий ва Ибн Нуҷайм машаққатга сабаб бўлиши мумкин бўлган еттита ҳолатни санаганлар. Улар: 1. Сафар; 2. Қасаллик; 3. Маҷбурлик; 4. Унуттиш; 5. Билмаслик; 6. Оммавий мусибат; 7. Фикҳий малаканинг етишмаслиги. Бу ҳолатлар машаққат билан бир ҳисобланмайди, улар машаққатга сабаб бўладиган ҳолатлардир. Уламолар зикр этилган ҳолатлар туфайли бериладиган турли хил имтиёзларни қуйидаги тартибда келтирадилар:

- Бекор бўлиш. Аёлнинг ҳайз даврида намознинг барча турларини ўқимаслиги бунга мисол бўлади.
- Қамайтириш. Бу турдаги имтиёз сафарда намозларни қисқартиришни ўз ичига олади.
- Муқобилини қўллаш. Масалан, сув йўқлигида таҳорат ёки гуслнинг ўрнига таяммулга рухсат этилганини келтириш мумкин.
- Олдинга олиб чиқиш. Масалан, аср намозини эртароқ, яъни қасаллик бонс пешин вақтида ўқиш.
- Қечиктириш. Беморнинг фарз рўзасини тутиши тузалиб кетгунга қадар қечиктиришига рухсат берилган.

• Зарурат. Сув бўлмаган ҳолатда инсон бирор нарсага тикилиб қолса ва бунинг натижасида ўлим хавфи вужудга келса, шароб ичиш орқали тикилган нарсани кетказиш жоизлигини билдиради.

• Ўзгариш. Масалан, кундалик намозлардан фарқли бўлган жанг пайтида ўқиладиган хавф намозда амал қилиши мумкин (Суютий, 1983:82) (Ибн Нуҷайм, 1999:92).

## МУҲОКАМА

Х асрда яшаб ижод қилган шошлик факих Абу Бакр Қаффол Шоший “Маҳосин” асарида исмоилий шиалар билан боглик ихтилофни келтиради. Аллома бу ғуруҳга нисбатан уларнинг ўзлари қўллаган услубда раддия беради. Унинг фикрича, шаклий тушунишдан қочиш мақсадида ботинийлар каби барча масалаларнинг моҳиятига кириш баҳонасида чуқурлашиш адашиб кетишга сабаб бўлади. Фикхий масалаларда воқеликни ўрганиш ва ҳукмларнинг маъносини чуқур англаш муҳим ҳисобланади. Қаффол Шошийнинг бу борадаги қарашларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Аллома барча мавзулардаги ҳукмлар ҳамда уларга бириктирилган маъно ва ҳикматлар ҳақида ёзади. Масалан, таҳорат борасида: “Жума ва ҳайит байрам кунлари гусл қилиш суннат қилинди. Киши бу кунларда жамоага қиради, пок ҳолатда бўлса, ёнидаги инсоннинг қўнгли беҳузур бўлмайди ва ёқимсиз хидлар безовта қилмайди. Буларнинг барчаси яхши қўшничилик, гўзал одоблар сирасига қиради. Дарҳақиқат, шариат нимани жорий қилган бўлса, яхши одатларга доимо мувофиқ бўлган, инсонларнинг ақллари ҳар доим шариат ҳукмларининг ҳақ ва тўғрилигига ғувоҳлик берган” (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:49).

Эҳромдаги инсоннинг либоси ҳақида қуйидаги фикр келтирилади: “Муҳрим (ҳаж учун эҳром ўраб, ҳаж амалларини бажарётган) эркак кишига тикилган кийим кийиш ҳаром бўлади. Чунки бунда фаровонлик, роҳатланиш ва зийнатланиш мавжуддир”. Қўшимча қилиб келтирадилар: “Шунинг учун ҳам оқ кийим ҳамма инсонлар учун умумий қилинди. Зеро, оқ мато ўзи чиройли, зийнат ҳисобланмайди, магар безаклар қўшилса, друст бўлмай қолади” (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:152).

Нафл ибодатлар ҳақида: “Фарзлардан олдин ва кейин ўқиладиган нафл ибодатларда, намозга

тайёргарлик ва малолликни кетказиш бордир” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:37).

Никоҳда ҳозир бўлганларнинг ғувоҳлиги ҳақида: “Никоҳ ақдига адолатли кишиларнинг ҳозир бўлиши, фосиқ, бузғунчилик билан танилган кишиларнинг ҳозир бўлишдан яхшироқдир” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:274).

Турган ҳолда еб-ичишдан қайтарилганликнинг мақсади ҳақида: “Юрган ҳолда еб-ичишдаги қароҳият; бундан бирор касаллик келиб чиқиш ва сув қоринда ҳарқатланиб, инсонни беҳузур қилиши, бундан ташқари, енгилтақлик билан ёндашилаётгани учун ҳам макруҳдир” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:230).

Мешдан сув ичишдаги энг яхши ҳолат борасида: “Агар сув мешда бўлса, бошқа бир идишга олиб ичиш афзалдир” (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:234).

Таомланиш тарзи ҳақида келтирилади: “Умар (р.а.) ўз ишларида ўша замоннинг подшоҳларига хилоф тарзда ҳамда фаровонлик ва бойлик кишининг улуг бўлишига сабаб бўла олмаслигини билдириш ўлароқ оддий бир инсондек (юрар) эдилар. Ким у кишига эргашса, дарҳақиқат ажойиб, гўзал иш бўлади” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:230).

Зийнатланиш ва либос китобида, бу масалада “таҳсиниёт” тушунчаси зийнатланиш ва гўзалликнинг риояси жиҳатидан жорий қилинганига ишора қилиб, Қаффол Шоший бундай дейди: “Оқил инсонга маълумки, баданларни иссиқ ва совуқдан сақлаш, авратларини беркитиш учун либосларга бўлган эҳтиёж зарурийдир. “Заруриёт” (тушунчаси) таркибига гўзаллик ва зийнат учун бўлганлари кирмайди” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:235).

Мўмин киши нопокликлардан тозаланиши ҳақида: “Кийимларни янгилаб туриш ва ювиш билан яхши сақлаш керак”. Оёқ кийим кийишдаги сифати ҳақида: “Тик турган ҳолда оёқ кийим кийишдан қайтарилганликнинг сабаби бу ҳолатда инсоннинг йўқилиб кетиш эҳтимоли бор. Шунинг учун ҳам уни тарқ қилиш афзалдир” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:48).

Вожиб бўлган назрга вафо қилиш борасида: “Назрга вафо қилиш вожиб, гарчи вафо қилинмаса, хунук саналиб, маломатга қолинмасада инсонларнинг табиатлари, урф-одатлар назрни адо этишни афзал ҳисоблайди” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:289).

Алломадан юқорида келтирилган фикрлари фикхий ҳукмларнинг мазмун-моҳиятини англаш,

уларни мукамал адо этиш мақсадида яширин маъно ва ҳикматларни очиб беришга қаратилган. Қафол Шоший томонидан қўлланилган бу ёндашувни унинг асосий фиксий қоидалардан фойдаланганига кўра таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Асарнинг фаръий мазмуларига аллома маълум фиксий метёрлар асосида ўз қарашларини ифода этади. Қафол Шоший шофий фиксининг намоёнаси бўлгани сабабли аҳли сунна вал-жамоа уламолари томонидан иттифок қилинган асосий қоидаларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ. Асосий фиксий қоидалар бошқаларига нисбатан умумийлиги, кенг ва аҳамиятлироқ эканлиги жиҳатидан асосий қоидалар деб аталади. Баъзи уламолар барча фаръий масалаларнинг ўша қоидалардан келиб чиқишини уқтиришган. Барча мазҳаб фақиҳлари асосий фиксий қоидалар қуйидагилар эканига иттифок қилишган:

الأمر بمقاصدها – ишлар мақсадларига кўрадир,  
اليقين لا يزول بالشك – аниқ нарса шак-шубҳа билан рад қилинмайди,  
المشقة تجلب التيسير – қийинчилик енгилликни жалб қилади,  
الضرر يزال – зарар кетказилади,  
العادة بحكمة – урф-одатлар далилдор (Зухайлий, 2006:61).

Қолган барча қоидалар, мана шу асосий қоидалардан ажралиб чиққан ҳисобланади. Масаланинг мана шу жиҳатига кўра “Махосин” асари усул ал-фикх соҳаси назарий тараққиётининг ажралмас таркибий бўлаги сифатида ўрганилиши лозим.

## НАТИЖА

Бу қоидалардан зарурат ва эҳтиёж тушунчаларига тааллуқли бўлган фиксий тамойиллар келиб чиққан. Улар орасида қуйидагилар бор (Суютий, 1983).

1. Зарурат ҳаромни мубоҳга айлантиради.

Бу Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги оятнинг қайта таърифи бўлиб, унда шундай дейилади: “Аммо, зулмкор ва тажовузкор бўлмаган ҳолда, заруратан, мажбур бўлса (очлик танглиги юзасидан тановул қилса), унга гуноҳ йўқдир” (Абдулазиз Мансур, 2009:26). Бу қоидалар мақсад оддий қонун қоидалар қийинчилик туғдириши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда муаммога муносиб ечим беришдир. Агар инсоннинг очликдан нобуд бўлиш хавфи пайдо бўлса, ўлик хайвон, чўчка ва шунга ўхшашлар ҳаром қилинган нарсалардан

еиши мумкин бўлади. Бирок ушбу енгилликни қўллашдан олдин, биринчи навбатда, баъзи шартлар бажарилиши керак. Буларга қуйидагилар киради (Шубайр, 2007:214–215): биринчидан, зарурат ҳозирги воқеликда юз берган бўлиши керак; иккинчидан, азоб чекаётган одам руҳсат этилган муқобил ечимни топмаган бўлиши керак; учинчидан, заруратдан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилиш олди олиниши режалаштирилган хавфга тенг ёки ундан каттароқ хавфга олиб келмаслиги керак; тўртинчидан, заруратга қараб ҳаракат қилиш хавфининг олдини олиш чегарасидан ошмаслиги керак, шунинг учун хавф йўқолганида, енгиллик тугайди.

Қафол Шоший фикх назариясида ҳам бу тамойил асосий ўринни эгаллайди: “нафс хавф остида бўлса, тақиқланган нарсалар мубоҳ ва ҳалолга айланади” (Қафол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:225). Зарурат тушунчаси алломанинг қарашларида нафсининг, яъни инсон ҳаётининг хавф остида бўлишини англатади. Бу кейинги коида яъни заруратга ҳаққоний баҳо бериш билан боглик. Бугунги қонунчиликда ҳам охириги зарурат ва зарурий мудоффа тушунчалари айнан заруратни тўғри баҳолаш шarti устига барпо этилган. Алломанинг қўллаган қуйидаги тамойил айнан зарурат ҳолатини амал қилиш муддатини белгилаб беради: “Агар узр бекор бўлса, масала тез суръатда асл ҳолатига қайтади” (Қафол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:103).

2. Зарурат унинг ҳақиқий миқдорига қараб ўлланади. Шунинг учун, агар бир киши тикилиб қолгани учун шароб ичишга руҳсат берилса, у унга енгиллик келтирадиган миқдордан ошмаслиги керак. Худди шундай, эрак шифокорга аёл бемор танасининг фақат зарарланган қисмини кўришга руҳсат берилади (Ҳаририй, 1998:105).

“Махосин” асарида “зарурий ҳолат тўқинлик ҳолатидан фарқ қилади” мазмунидаги тамойил қўлланилган бўлиб, унинг замирида тўқинлик ҳолати билан қийслаган ҳолда зарурат тушунининг ўлчовига ишора қилинган. Мана шунинг асосида, зарурат ҳолатидаги руҳсатлар қундалик ҳолатда тақим маъносиди бўлади ҳамда заруратнинг белгиланган миқдорига амал қилиш талаб этилади.

3. Зарурат бошқанинг ҳуқуқи поймол бўлишига асос бўлмайди. Масалан, очлик туфайли бошқа бировнинг овқатини еишга руҳсат берилган бўлса-да, у овқатнинг нархини тўлаши керак (Садлон, 1996:300).

Шариат ўрнатган маълум чегаралар мавжуд бўлиб, уларни бузишга ҳеч бир ҳолатда рухсат берилмайди. Аллома асарда қуйидаги тамойил асосида буни асослаган: “Бандалар бажарётган ҳар бир ишда, уларга буюрилган ҳар нарсада шариат маълум чегараларни ўрнатган, уларга риоя қилинади ва бу чегаралар бузилмайди” (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган: 276);

4. Иш жуда қийин бўлиб қолганида йўл топилиши керак. Масалан, зўравон ўғрини ўлдириш, агар унчалик катта бўлмаган таҳдид ёки ҳаракат унинг ёвузлигини тўхтата олмайди, деб ҳисобланса, қонунийдир (Қамолий, 2003:149). “Агар ҳамма нарса ҳаддан ташқари қийинлашса, унинг бекор бўлиши жоиздир” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:284), деган қараш айнан мана шу тамойилни ўзида акс эттиради.

Алломанинг оила ва никоҳ борасидаги қарашларида машаққат ва уни олдини олиш билан боглиқ фикҳий қоида шаклидаги тамойиллардан “Маҳосин” асарида тез-тез фойдаланилгани аниқланди. Муаллифнинг фикрига кўра “никоҳ доимий шартномадир” тамойили айнан қоидага ўхшаш ибора сифатида қўлланилган. Никоҳ томонлар орасидаги ўзаро шартнома сифатида баҳоланиб, уни бошқа турдаги шартномалар билан киёслангани никоҳнинг мазмун моҳиятини янада ойдинлаштиради: “Никоҳнинг асоси унинг давомийлиги бўлса, олди-сотдида бундан бошқа нарсадир” (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган: 278).

Никоҳ шартномасини унга мазмунан яқин, киёслаш мумкин бўлган олди-сотди шартномасига солиштирилгани, унинг тамоман бошқа мақсадда тузиладиган ижара шартномаси билан киёсланмаслигини англатади. Бундан келиб чиққан ҳолда, никоҳ олди-сотди маъносини англатувчи сўз билан богланса, ҳақиқий ҳисобланади, лекин “ижара” лафзи билан богланса, ҳақиқий ҳисобланмайди.

Машаққат ва унинг олдини олиш билан боглиқ тамойиллар асосан никоҳ китобининг, “Маҳр” мавзусида бир маротаба (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:302), “Эмизиш орқали қариндошлик” мавзусида уч маротаба (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:284), “Қўл остидагиларга уйланиш” мавзусида бир маротаба (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:304), Никоҳ бобига кириш қисмида бир маротаба (Қаффол Шоший, нашр йили кўрсатилмаган:275), Никоҳи ҳаром қилинган аёллар мавзусида бир маротаба

(Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:278) қўлланилган.

Маҳр мавзусида никоҳ богланиши билан маҳр эрга вожиб экани белгиланган. Агар никоҳ вақтида маҳр аниқ айтилмаса “маҳри мисл”, яъни никоҳ ўқилаётган макон ва замонда келин билан ҳуснда ва насабда тенг бўлган қизларга берилиши урф бўлган маҳрнинг миқдорини бериш вожиб саналади. Маҳр масаласида ҳар икки тарафнинг ҳолати инобатга олинади ва машаққатга йўл қўйилмайди. Мазкур қоида аллома “маҳри мисл”ни белгилаш ва уни бериш тартиби бўйича қўллаган қуйидаги тамойилда ўз аксини топган: “Аллоҳнинг дини енгилликдир, унда инсоннинг қодирлигига кўра талаб қўйилади” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:302).

“Эмизиш орқали қариндошлик” мавзусида аллома боланинг ўз онасини ёки бошқа аёлни эмиш муддатлари, қариндошлик алоқалари собит бўлиши учун эмишнинг энг кам миқдори, эмиш орқали қариндош бўлган томонларнинг никоҳга кириши билан боглиқ тартибини очиб бериш давомида машаққатни кетказишга қаратилган тамойиллардан фойдаланади. Эмизиш муддати икки йил бўлиб, машаққат ҳосил бўлганда муддатни озайтириш мумкин эканини аллома қуйидагича асослайди: “Шариат инсонлар учун оғир бўлганида, уни тўхтатиб туриш тўғри эканини инкор қилмаймиз... агар ҳамма нарса ҳаддан ташқари қийинлашса, унинг вақтинча бекор бўлиши жоиздир... сафарда рўзани очиб ва намозни қаср қилишга рухсат борлиги бунга асос бўлади” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:284);

## ХУЛОСА

Фикҳий мавзулардан оила ва никоҳ ҳақида сўз борар экан, алломанинг: “бу мавзуда ҳеч бир нарса гўзал одатлардан ташқарига чиқмайди, балки Аллоҳ томонидан берилган енгиллик ҳисобланади” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:304) мазмунидаги ёндашуви шариат кўрсатмалари соғлом ақлга мувофиқ келиши ва жамиятда инсонлар бир-бирлари билан келишиб олмаган ҳолда яхши деб қабул қилган одатларга мос эканини исботлашга қаратилган. Муаллиф ўз асарини фикҳий меъёрларни айнан инсон ақли ва мантқ қоидалари асосида қўриб чиқишни мақсад қилгани китобнинг барча мавзуларида ўз аксини топган.

Қаффол Шоший фаръий масалаларнинг назарий асослари борасидаги қарашларини мавзуларнинг якуний қисмида ҳулоса ўларок беради. Масалан, нақоҳ шартномаси тузилаётганида ғувоҳлар мавзусида аввал ғувоҳларга қўйилган шартлар, никоҳнинг ҳақиқий саналишида уларнинг ўрни, бу борадаги ихтилофли масалаларини ёритади. Ёш боланинг ғувоҳлиги ва унга боғлиқ ихтилофларни қўриб чиққанидан сўнг, бу мавзуга ҳулоса ўларок қуйидагича якун ясайди: “Шариат кўрсатмалари куч ва қудрат билан боғлиқдир, инсонлар бажаришга ожиз бўлган ишлар уларга бўйрилмайди” (Қаффол Шоший, йили кўрсатилмаган:275) сўнггра никоҳ хутбасига оид янги мавзуга ўтади.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдулазиз Мансур. (2009). *Қуръони Карим: маъноларининг таржима ва тафсири*. Тошкент: ТИУ.
2. Бухорий. (1991). *Ал-Жоме ас-саҳиҳ*. Ж. 1. Тошкент: Қомуслар бош тахририяти.
3. Бухорий. (1991). *Ал-Жоме ас-саҳиҳ*. Ж. 3. Тошкент: Қомуслар бош тахририяти.
4. Бухорий. (1992). *Ал-Жоме ас-саҳиҳ*. Ж. 4. Тошкент: Қомуслар бош тахририяти.
5. Ибн Ҳажар Асқалоний. (нашр йили кўрсатилмаган). *Фатҳ ал-борий / Муҳаммад ал-Фориебий таҳқиқи*. Ж. 1. Ар-Риёд: Дор теййиба.
6. Заркашӣ. (1985). *Мансур фил қавоид*. Ж. 1. Ал-Кувайт: Визора ал-авкоф ал-кувайтия.
7. Муҳаммад Мустафо Зухайлий. (2006). *Ал-Қавоид ал-фиқҳия*. Ж. 1. Дамашк: Дорул фикр.
8. Ибн Нўжайм. (1999). *Ал-Ашбоҳ ва-н-назоир*. Байрут: Дорул кутуб илмия.
9. Муҳаммад Ҳошим Камолӣ. (2003). *Ислоҳ ҳуқуқи асослари*. Кэмбриж: The Islamic texts society.
10. Али Аҳмад Надвий. (1986). *Ал-Қавоид ал-фиқҳия / Мустафо Зарқо таҳқиқи*. Дамашк: Дорул калам.
11. Садлон. (1996). *Ал-Қавоид ал-фиқҳия ал-қубро*. Ар-Риёд: Дор баленсиа.
12. Суютий. (1983). *Ал-Ашбоҳ ва-н-назоир*. Байрут: Дорул кутуб илмия.
13. Иброҳим Муҳаммад Харирий. (1998). *Ал-Мадҳал ила ал-қавоид ал-фиқҳия ал-куллия*. Уммон: Дор аммор.
14. Қаффол Шоший. (n.d.). *Маҳосин аш-шариа / Али Самак таҳқиқи*. Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
15. Муҳаммад Усмон Шубайр. (2007). *Ал-Қавоид ал-куллия*. Уммон: Дорун нафис.
4. Al-Bukhari. (1992). Al-Jami' al-Sahih. Vol. 4. Tashkent: Komuslar editor-in-chief.
5. Ibn Hajar Asqalani. (the year of publication is not indicated). Fath al-Bari / Muhammed al-Fariyabi study. Vol. 1. Riyadh: Dor Taiyiba.
6. Zarkashi. (1985). Mansoor the Elephant. Vol. 1. Al-Kuwait: Wizara al-Awqaf al-Kuwaitiya.
7. Muhammad Mustafa Zuhaili. (2006). Al-Qawaid al-Fiqhiya. Vol. 1. Damascus: Darul thought.
8. Ibn Nujaym. (1999). Al-Ashbah wa-n-nazair. Beirut: Darul Qutb Ilmiya.
9. Muhammad Hashim Kamali. (2003). Fundamentals of Islamic Law. Cambridge: The Islamic texts society.
10. Ali Ahmed Nadvi. (1986). Al-Qawaid al-Fiqhiya / Mustafa Zarqa's study. Damascus: Darul Kalam.
11. Sadlon. (1996). Al-Qawaid al-Fiqhiya al-Kubra. Riyadh: Dor Valencia.
12. Liquid. (1983). Al-Ashbah wa-n-nazair. Beirut: Darul Qutb Ilmiya.
13. Ibrahim Mohammad Hariri. (1998). Al-Madkhal ila al-qawaid al-fiqhiya al-kulliya. Oman: Dar Ammar.
14. Qaffol Shoshi. (n.d.). Mahasin ash-sharia / Research by Ali Samak. Lebanon: Dar al-kutub al-ilmiyyah.
15. Muhammad Usman Shubair. (2007). Al-Qawaid al-Kulliya. Oman: Darun Nafais.

#### REFERENCES

1. Abdulaziz Mansur. (2009). Holy Quran: translation and interpretation of its meanings. Tashkent: TIU.
2. Al-Bukhari. (1991). Al-Jami' al-Sahih. Vol. 1. Tashkent: Komuslar editor-in-chief.
3. Al-Bukhari. (1991). Al-Jami' as-sahih. Vol. 3. Tashkent: Komuslar editor-in-chief.



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИНГ  
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ**

Мазкур нашр олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуктаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.  
Журналдан кўчирма олинганда манба кайд этилиши шарт.

# MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريدية - Матүридизм

**1/2023**

*Бош муҳаррир:* **Ж.Каримов**

*Муҳаррир:* **З.Фахриддинов**

*Нашр учун масъул:* **З.Арслонов**

*Чет тилларидаги матнлар муҳаррири:* **О.Сотволдиев**

*Дизайнер-саҳифаловчи:* **З.Ғуломов**

**Манзилимиз:** Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, 100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

**Тел:** (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

**E-mail:** [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)

Нашриётнинг лицензия рақами АИ № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 03.05.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 ¼.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табағи 10,2.

Нашр табағи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.



# IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المركز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish  
uchun maxsus veb-sayt:

 [www.maturidijournal.uz](http://www.maturidijournal.uz)

 +998971 244-35-36

 [www.moturidiy.uz](http://www.moturidiy.uz)

   @moturidiyuz

 [info@moturidiy.uz](mailto:info@moturidiy.uz)